



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№4 (14.107)

26 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА 2023 ЙИЛ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



vtto.uz



vtto\_uz@mail.ru



@Toshkent\_oqshomi



Toshkent oqshomi



Toshkent Oqshomi\_24

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

26 январь 1967 й  
ПАЙШАНБА.  
№ 22 (177).  
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР

Пойтахтнинг хурулиш майдонларида

## «БИЗ—МОНТАЖ»

ТАКЛИФЛАР, ИСТАКЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

Газетачилар мундариғига тақдим қилинган мақола ва хатларнинг муҳокамаси бўлиб келибди. Бу мақола ва хатларнинг муҳокамаси бўлиб келибди. Бу мақола ва хатларнинг муҳокамаси бўлиб келибди.

### „ТОШКЕНТ ОҚШОМИ“ ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯСИГА

Шунинг билан бирга, газетачиларнинг ишларида ҳам муаммолар бўлиб келибди. Бу мақола ва хатларнинг муҳокамаси бўлиб келибди.

### „ЭСКИ“ ШАҲАР

Шунинг билан бирга, газетачиларнинг ишларида ҳам муаммолар бўлиб келибди. Бу мақола ва хатларнинг муҳокамаси бўлиб келибди.

### ЖУРНАЛИСТ

Шунинг билан бирга, газетачиларнинг ишларида ҳам муаммолар бўлиб келибди. Бу мақола ва хатларнинг муҳокамаси бўлиб келибди.

### ЯНГИ ЖУРНАЛ

Шунинг билан бирга, газетачиларнинг ишларида ҳам муаммолар бўлиб келибди. Бу мақола ва хатларнинг муҳокамаси бўлиб келибди.

### ТАБАССУМ БИЛАН ЭСЛАЙМИЗ...

Шунинг билан бирга, газетачиларнинг ишларида ҳам муаммолар бўлиб келибди. Бу мақола ва хатларнинг муҳокамаси бўлиб келибди.

Шунинг билан бирга, газетачиларнинг ишларида ҳам муаммолар бўлиб келибди. Бу мақола ва хатларнинг муҳокамаси бўлиб келибди.

Шунинг билан бирга, газетачиларнинг ишларида ҳам муаммолар бўлиб келибди. Бу мақола ва хатларнинг муҳокамаси бўлиб келибди.

Шунинг билан бирга, газетачиларнинг ишларида ҳам муаммолар бўлиб келибди. Бу мақола ва хатларнинг муҳокамаси бўлиб келибди.

Шунинг билан бирга, газетачиларнинг ишларида ҳам муаммолар бўлиб келибди. Бу мақола ва хатларнинг муҳокамаси бўлиб келибди.



LOCATION: МАКТАБЛАРДА ИСИТИШ ТИЗИМИ ҚАНДАЙ?



ТАБАССУМ БИЛАН ЭСЛАЙМИЗ...



УДАБУРОН КИБЕРФИРИБГАРЛАР

Ташкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг студентлари: Ш. ЭШОНХУЖАЕВ, О. ТАЙЖАНОВ, М. УМАРХУЖАЕВ, ТошМИ студенти Б. МАХМУДОВ.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

Пойтахтимизда



**Сергели тумани** бўйича ИИО ФМБда навбатдаги «Маънавият ва маърифат» дарси ўтказилди. Унда, филология фанлари доктори, профессор Султонмурод Олим «Давлат тили – бирлигимиз, борлигимиз рамзи» мавзусида маъруза қилди.

Йиғилишда энг асосий масала юзасидан сўзга чиққан бошқарма бошлигининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари подполковник А.Тожиев Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январь ПҚ-10-сонли «Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлаш-

га йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг мазмун-моҳиятини бошқарма соҳавий хизмат раҳбарлари ҳамда ИИБларнинг шахсий таркибига етказди.

Маърузада ушбу қарорнинг асосий мақсади ички ишлар органлари ходимларида хизмат вазибаларига ҳалол, виждонан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъулият билан ёндашиш, жамиятда умумэтироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш туйғусини шакллантириш экани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

**Тошкент метрополитени**нинг барча ер ости ҳамда ер усти бекатларида умумий сони 64 та бўлган q.watt қувватлаш автоматлари ўрнатилди. Эндиликда бу орқали мобил ускуналарни йўл давомида қувватлаш мумкин.

q.watt мобил ускуналарни қувватлаш сервис билан смартфонга ҳеч қачон тўсатдан ўчиб қолмайди. Бунинг учун яқин атрофда q.watt автоматини топиш кифоя.

q.watt – ҳамёнбоп нархда повербанк қурилмасини ижарага олиш имконини берувчи сервис. Смартфон қувват олганидан сўнг повербанкни ҳар қандай q.watt автоматига қайтариш мумкин.

Повербанкни ижарага олиш жуда осон. Бир соатга ижара нархи атиги 5 минг сўм. Агар сизга повербанк бир кунга керак бўлса, унда 10 минг сўм ижара пулини тўлайсиз. Повербанк ижарасининг максимал муддати 3 кунни ташкил қилади. Ижара муддати ўтганидан сўнг, повербанк ўзингизга қулай манзилдаги автоматга қайтарилиши лозим.

1. q.watt иловасини IOS ёки Android смартфонга ўрнатиш.
2. Иловада рўйхатдан ўтинг, телефон ва тўлов амалга оширилувчи карта рақамини киритинг.
3. Иловадаги харитада ўзингизга яқин автоматни топинг.
4. Автоматдаги QR-кодни q.watt иловаси ёрдамида сканерланг ва повербанкни олинг.
5. Ишлатиб бўлгандан кейин, повербанкни ўзингизга қулай бўлган автоматга қайтаринг.



Қорда қолган дарахтлар

Бу йилги қиш фасли ўзининг аёзлик кунлари билан ёдимизда қолмоқда. Мана, ўн беш кундирки, ерларда қор ҳамон сақланиб турибди. Аномал совуқ ва қалин қор турмушнинг жуда кўп соҳаларида ноқулайликлар келтириб чиқарди ва талафот етказди. Жумладан, қалин қорнинг дарахт шохлари устида тўпланиши натижасида кўплаб дарахтлар шикастланди. Жумладан, тупроқнинг намлик билан ҳаддан ташқари тўйинганлиги, шунингдек, мўл-кўл қор массаси туфайли дарахтлар қаттиқ эгилиб, уларнинг аксарияти қулаганига гувоҳ бўлди. Айнан, шу масалага доир саволлар юзасидан

Биохилма-хилликни асраш, кадастри юритиш ва рақамлаштириш бўлими бошлиғи Отабек Қосимов билан суҳбатлашдик:

— Бу йилги қиш, аввалгиларига қараганда дархатларга кўпроқ зиён етказди. Ҳисобга кўра, Тошкент шаҳрида икки ярим миллионга яқин дарахт мавжуд бўлса, охириги ёққан қор оқибатида дархатларнинг 1700 га яқини шикастланган. Шу боис, барча ҳудудлардаги масъулларга шикастланган дархатларга ёрдам бериш, яъни ҳар бир қулаган дархатни асраб-авайлаб, тиклаш мақсадида таянч тиргаклари ўрнатишга доир топшириқ берилди. Мазкур ҳолат юзасидан алоҳида штаб жорий қилинди. Айрим ҳудудлардан қўнғироклар жуда кўп бўлганлиги сабабли кўпроқ ишчи кучини қайноқ ҳудудларга йўналтирдик. Шу сабабли,

ходимларимизнинг бошқа ҳудудларга бориши бироз кечиккан бўлиши мумкин. Агарда, дарахтлар пиёдалар йўлаги, автомобиль йўллари ёки ижтимоий соҳа объектлари устига тушган бўлса, ободонлаштириш бошқармалари ҳам далолатнома тузган ҳолда муаммони бартараф этишлари мумкин. Боиси, экология қўмитасининг рухсатини олгунга қадар бир-икки кун ўтиб кетади. Имкон қадар муаммони жойида бартараф қилишга ҳаракат қилдик. Кесилган шохлар эса ободонлаштириш ходимлари томонидан тозаланди. Қишнинг мана шундай қорли кунларида фуқароларимиздан табиий офатларга эътиборлироқ бўлишларини, имкон қадар дархатлар тагида ҳаракатланмасликларини, автоуловларни дархатлар тагида қолдирмасликларини сўраб қоламиз.



Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Challenge Samarkand” спорт фестивали олдидан анжуман бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Ёшлар Сиёсати ва спорт вазири ўринбосари Шохрулло Маҳмудов, Миллий Олимпия Қўмитасининг бош котиби Ойбек Қосимов, Ўзбекистон Триатлон Федерацияси бош котиби Елена Кун сўзга чиқди. Самарқандда ўтказилиши кутилаётган спорт фестивалида аёллар ва болалар иштирок этади. Компания ва ташкилотлар икки ёки уч кишидан иборат жамоалар тузиб, иштирок этиши мумкин.

Шунингдек, мазкур тадбир доирасида триатлон бўйича профессионаллар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтади ва унда республикамизнинг энг кучли спортчилари мамлакат чемпиони унвони учун курашадилар.



**Шайхонтоҳур тумани** Шаҳрисабз кўчасидаги пиёдалар йўлагида музлар эримаган, яхмалаклар ҳосил бўлган. Шу ўринда ободонлаштириш хизмати ҳамда мавжуд ташкилот ходимлари ҳашар йўли билан аномал совуқда шаҳар кўчаларини қор ва музлардан тозалаганини ҳам эътироф этган ҳолда, ушбу ҳудудга эътиборингизни тортамиз.

“Бу йўлдан юриб бўлмайди, сирпанчиқ. Қариялар бор. Худо кўрсатмасин, йиқиладиган бўлсангиз, бошингизни ёрасиз ёки бирор жойингизни синдирасиз. Кўп жойларга туз, кум сепишди. Аммо негадир, айнан шу йўлак назардан четда қолди. Серкатнов жой, метрога яқин, бекат

ҳам бор. Зинаполяр муздан тозаланмаган, кексалар туғул биз ҳам бу ерга зўра оёқ кўямиз. Нафақат катта йўлларга, пиёдалар йўлкаларига ҳам кум, туз сепиш керак”, дейди йўловчилардан бири. Яна бир пиёда ҳар кун шу манзилдан қўрқув билан ҳаракатланишини айтди. Яна кимдир йиқилиб, жароҳат олганини ҳам таъкидлади.

Мутассадилар катта Тошкентнинг кичик йўлакларига ҳам эътибор қилса, яхши бўларди. Боиси, яхмалакнинг ҳали вери эриш нияти йўқ. Куёш нури дарахт ва бинолар сояси сабабли таъсир қилмайди.

**Миржалол Маҳмамов тайёрлади**

**Ҳасан Абдуназаров**

## LOCATION:



# МАКТАБЛАРДА ИСИТИШ ТИЗИМИ ҚАНДАЙ?

**Мамлакатимизга кириб келган аномал ҳаво оқими барча тизимлар сингари таълим соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Зарур эҳтиёт чоралари кўрилсада, иситиш тизимидаги қатор камчиликлар сабаб таълим даргоҳларида таътил муддати узайиб кетди.** Жумладан, 11 январь санасида бошланиши керак бўлган III чорак дарслари босқичма-босқич 23 январь санасидан йўлга қўйилди. Ҳозирда пойтахтимизда мавжуд 335 та таълим муассасасидан 309 тасида узлуксиз таълим йўлга қўйилди. Қолган мактабларда эса иситиш тизимларидаги муаммолар бартараф этилгунга қадар вақтинча масофавий таълим жорий қилинган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўқувчилар таълим оладиган синфхоналарда ҳаво ҳарорати +18 даражадан паст бўлмаслиги лозим. Талаб доирасида иссиқлик таъминланмаган мактабларда мавжуд муаммо бартараф этилгунга қадар онлайн таълимни таклиф этишмоқда.

Ижодий жамоамиз билан мактабларда мавжуд шароитларни ўрганиш мақсадида йўлга отландик. Бизнинг илк манзилимиз пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган 96-мактаб бўлди.

Мактаб биносига кирганимизда танамизга илиқлик югурди. Ўқувчилар энгил мактаб формасида бош кийимсиз бемалол юришибди.

Фойеда бизни мактаб директори Дилафрўз Мағрупова кутиб олди.



– Бу йилги аномал совуқ мактаб фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Шуни ҳисобига таътил муддати чўзилди. Таътил вақтида ҳам ўқитувчилар ўқувчилардан хабар олиб турди. Ва ниҳоят, 23 январь болаларимизни ўқишга қабул қилиб олдик. Мактаб раҳбари сифатида ота-оналар билан гаплашганимда даволат паст бўлади, деб ўйлаган эдим. Аммо натижа мен кутгандан анча яхши бўлди. Синфхоналаримиз илмга чанқоқ ўқувчи ёшлар билан тўла. Ҳокимлик ҳамда туман халқ таълими бўлими ходимлари ҳам ўз ёрдамларини аяшмаяпти. Иссиқлик босими кунлик назоратда ушлаб турилибди. Эътироф этиш жоизки, мактабимизда энг тушиб кетган босим 14-15 даража илиқни ташкил этди. Бугунги кунда эса бу кўрсаткични 18-20 даражагача кўтаришга муваффақ бўлдик. 331-МТТ билан биргаликда локал қозонхонадан фойдаланган ҳолда ҳароратни меъёрда ушлашга ҳаракат қилаёلمиз.

Мактабда дарслар аънавий тарзда ўтказилаётганидан хурсандман. Чунки, online дарслар кўпроқ талабалар учун тўғри келади, деб ўйлайман. Сабаби, мактаб ўқувчиси, барибир, ўйинқароқ бўлади. Агар назорат қилинмаса, дарсни истаган вақтида тайёрлаши ёки умуман тайёрламаслиги ҳам мумкин.

Режага кўра, кейинги манзилимиз Бектемир туманида жойлашган ва ҳозирги кунда online дарс машғулотлари олиб борилаётган 347-мактаб эди. Афсуски, мактаб директори Гулноза Алимовнинг ташрифимизга рад жавобини берганили сабабли сафаримиз бошланмасдан ниҳоясига етди. Телефон орқали қисқагина мулоқот давомида шу маълум бўлдики, бугунги кунда мактабни узвий таълимга ўтказиш мақсадида туман халқ таълими бўлими ишчи гуруҳи аъзолари кун-у тун ҳаракатда экан. Ва яқин кунларда ушбу саъй-ҳаракатлар ўз натижасини беришига умид қилинмоқда.

Шундан сўнг Чилонзор туманидаги 79-умумтаълим мактабига йўл олдик. Бу ерда бизни мактаб раҳбари Асила Ҳамроева кутиб олди.

– Биз бугундан ўқувчиларни қабул қилдик. Сабаби, 23 январь ҳолатига кўра, иситиш тизимимиз талаб даражасида эмас эди. Чилонзор туман ҳокимлиги томонидан иситиш тизимлари бўйича амалий ёрдам берилди. Йўлак ва синфхоналаримиз ойналари селюфан билан қопланди, хоналарга кўшимча иситиш мосламалари ўрнатилди. Ҳозирда синфхоналаримизда ҳарорат энг совуғи +11 С, энг иссиғи +16 С, +17 С ни ташкил этади. Аномал совуқ пайтида ҳам биз ўқишни тўхтатиб қўймадик. Ўқувчилар билан ZOOM


платформаси орқали дарслар ўтиб борилди. Ҳозирги кунда мактабимиз икки навбатда, ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ўқувчилар учун аънавий таълим самарали ҳисобланади. Чунки ўқувчи кўриб, ҳис қилиб, ўқитувчи билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиб боради. Online дарс мактабдаги муҳитни бера олмайди. Бизда 21 нафар биринчи тоифали, 18 нафар иккинчи тоифали ўқитувчилар таълим бериб келади. Биз ўқувчиларни кутиб олишга тайёрмиз.

Мазкур тумандаги 173-мактаб раҳбари Зулайҳо Камолова ҳам мактабдаги мавжуд шароитлар ҳақида маълумот берди:



– Мактабимиз 1962 йилда қурилган бўлиб, ҳозирги кунда иссиқлик тизими марказлашган тизим асосида олиб борилади. Куз ва киш мавсуми учун бизда тайёргарлик яхши амалга оширилган. Аънавий таълимга қайтишимиз учун туман ҳокимлиги томонидан иссиқлик тизимидаги носозликлар бартараф этилди. Ҳозирги кунда бизнинг мактабда 982 нафар ўқувчи таҳсил олади. Синфларимизда даволат яхши. 24 январь кунни 75% ўқувчи келган бўлса, ҳозирги ҳолатга кўра 85% ўқувчи келди.

Умида  
Ҳақбердиева  
тайёрлади



# САИД МУХТОРОВ: ҲАЁТДАН МИННАТДОРМАН!

- Томошабинлар сизни кинодаги фаолиятингизни билади. Лекин театрда ишлаганингиз, роллар ижро этганингизни кўпчилик билмайди... театрга келиш ва кетиш сабаблари қизиқ...

- Театрга институтни битириб катта ҳаяжон, катта умид билан келганим эсимда. Ушанда Миллий театрнинг катта актёрлари Зайнаб Садриева, Фани Аъзамов ва яна кўплаб ижодкорлар мен, мен билан келган ёш актёрларни ишга имтиҳон асосида қабул қилган. Ҳар бир катта санъаткорга ўша жараёнда шогирдлар берилган. Уша синов жараёнида "Майсаранинг иши" асаридан Мулладўст образини ижро этганман. Ролим комедия жанрида бўлгани учун мени Ўзбекистон халқ артисти Фани Аъзамовга бирикитиришган. Тақдир тақозоси билан Миллий театрда қолдим, ижод қилдим. Устозим Фани Аъзамовдан кўп нарса ўргандим. Лекин кейинчалик театрда ички келишмовчиликлар авж олди. Ижод аҳли иккига бўлинди. Шу ғавғоларда мен ҳам бошқа театрга ўтадиган актёрлар рўйхатида устозимнинг исм-фамилияси борлигини кўрдим ва мен ҳам қўл кўйдим. Лекин Фани Аъзамов Миллий театрда қолди. Мен ҳам узоқ ишлай олмадим ва Москвага ўқишга кетдим. Театрдан менга яхши хотиралар қолди, устозлар мактабини кўрдим. Саҳнада ишлаган актёр пшадди. Бугунги фаолиятимдаги муваффақиятларда театрнинг ўрнини инкор этмайман.

- "Лафз" видеофильми ижодингизда ўзига хос ўринга эга...

- "Лафз" менинг экрандаги биринчи катта ишим эди. Ҳали ҳамон шу фильмни томошабинлар қайта-қайта кўради. Маъно-мазмунини ҳар бир давр учун аҳамиятли бўлгани учун ҳам тренддан тушмайди. Ўзим ҳам шу ролимни гарчи салбий бўлса ҳам яхши кўраман.

- Нима учун Сизга салбий роллар кўпроқ берилади?

- Билмасам... Лекин актёр ҳар қандай ролни ўйнайди. Режиссёр ўша актёрда образга монанд нимадир кўрди, демак чиқади. Яна Саидни ўзи ёмонда, деган хаёлларга борманг, мен доим ўзимга берилган вазифани бажараман. Агар ролни танлаш актёрнинг ихтиёрида бўлса эди, қандай образлар танлашни жуда яхши билар эдим. Жаҳонгир Қосимовнинг "18-квадрат" картинасида яхши, жиддий образим бор. негандир шу ҳақда кам гапиришадди. "Лафз" билан "Севгинатор"ни кўпроқ эслаб қолишган. Айниқса, "Севгинатор"да ҳар бир ҳатти-ҳаракатим, либосларим ҳаммасини томошабин ёдлаб олган. Катта ролларим бор, дейман баъзида уларга...

- Эътирофлар ёқимли... Лекин сиз ҳақингизда эътирозлар ҳам бор... Нега Саид Мухторов ҳақида салбий фикрлар тугилган?

- Шов-шулар кўп, уларнинг ҳар бирига жавоб бермайман. Лекин мен ўзим ўзимнинг қандайлигимни яхши биламан. Ҳар бир актриса, ҳар бир актёр яхши ролни орзу қилгандек, яхши гонарарни ҳам истайди. Лекин баъзида улар керагидан ортиқ баҳо беради ролларига... мана шу жараёнларда келишмовчиликлар бўлади. Фаррух Соипов, Юлдуз Ражабова, Жамила Ғофурова, Сетора Фармонова, Гулчеҳра Эшонқулова каби юлдузлар илк бор менинг фильмимда кўринган. Мана бугун Жамила ҳам, Юлдуз ҳам машҳур актриса. Тўхмат гапларни айтганларни Аллоҳга топшириб қўяман.

- Сизнинг фильмнингизда иш бошлаб, кўриниб кейин машҳур бўлганлар сизни биринчи режиссёри сифатида эслаб турадими?

- Мен буни улардан сўрамайман. "Устоз" деб йўқласа, хурсанд бўламиз. Ким меҳнат қилган бўлса, ким яхши иш қилса ҳаммасини жавоби бор. Раҳмат, айтадиганлари бор. Шукр, уларнинг кўпчилиги оилали, бахтли, фарзандлари бор. Ўзбек санъатида ўзларининг ўрнига, мавқеига эга бўлса мен хурсандман.

- Шахсий ҳаётингиз сўнгги пайтларда жуда кўп гап-сўзларга сабаб бўлди...

- Киночиларнинг ҳаёти осон эмас. Актёр, режиссёр, умуман санъат соҳасидаги инсонлар учун шахсий ҳаётда барқарорликка эришиш қийин. Ёнингиздаги одамлар сизни тушунмаса бу фожиа... Мен ўз ҳаётимдан хурсандман. Мен бахтлиман, шу денгизда битта томчиман... Мақсадларимга етдим. Фарзандларим, набираларим бор. Аллоҳ менга ақли икки ўғилни берган. Бунинг учун мен Мадина Мухторовага алоҳида раҳмат айтаман. Келинларим фаросатли. Улар мендан ҳабар олади, мен ҳам йўқлаб бориб тураман. Бу бахт... Отам бор, 85 ёшда... Телефондаги суҳбатларни ёзиб оламан. Аслида, улар билан суҳбат қилиб роҳатланаман.

- Мадина Мухторовани бахтли қила олдингизми?

- У бахтли! Мадина билан бирга яшаймиш, лекин унга ёмонлигим йўқ. У фарзандларимнинг онаси. Мен доим унинг саломатлигини сўрайман. Хабарлашиб турашимиз, баъзи бир камуқўстларимизни тўлдиримиз. Фарзандларимиз, набираларимиз бор ўртада... Ҳар бир инсон хато қилади, беайб парвардигор! Мен бахтиёрман, мендан хафа бўлмасин, мен ҳам ҳеч кимдан хафа эмасман. Бу ҳаётнинг берилиши бахт, уни яшаб ўтиш ҳам бахт...

*Саид Мухторов актёр, режиссёр. Томошабинлар бу ижодкорни "Лафз" видеофильмидаги савдогар Қосим образи орқали таниган. "Севгинатор", "Чимилдиқ", "18-квадрат" каби картиналарда турли жанрдаги образларни ижро этган. Режиссёр сифатида "Фарёд", "Шаббона", "Маржона", "Ҳазон" каби бир қатор фильмларни суратга олган.*



*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Обид Асомов - сўз устаси, юморнинг авжсини топган, кичкина жуссаси билан санъатда катта ижодий мактаб яратган, қисқа умрида халқнинг улкан меҳрини қозона олган ижодкор эди. Агар ҳаёт бўлганларида бу йил 60 ёшга тўлар эди... Афсуски, бу инсон бугун сафимизда эмас.*



# ТАВАССУМ БИЛАН ЭСЛАЙМИЗ...

## Обид Асомов билан бўлган суҳбатлардан

- Обид ака, тан олиш керак, сизнинг соҳангизда ҳам репертуар масалалари аъло даражада эмас. Битта латифани бир неча концерт дастурларида қайтарилиши сизнинг ижодингизда бор...

- (ўйланиб) Тўғри... назаримда бу ўринли танқид. Афсуски, бизда ёзувчиларимиз йўқ. Мана шу томондан муаммолар бор. Қолаверса, янги лекин кулиб бўлмайдиган латифадан кўра эски аммо синалган латифани айтиш фойдали. Масалан, Юлдуз Усмоновнинг бир неча йил аввалги бутун бошли концертидан битта "Санамгина" одамларнинг эсида қолганди. Озодбекнинг ўтган йилги дастуридан мен фақат битта "Мени севиб қолсайдинг" кўшигини эшитаман. Қизиқчилик ҳам худди кўшиқчиликка ўхшайди. Ҳар куни янгилик яратиш қийин. Баъзида бир йил давомида томошабинни ҳайратга солиш мушкул бўлади. Ўринли танқид, буни бўйнимга оламан. Ишлашимиз керак, кўпроқ ўқишимиз керак.

- Саҳна билан тўйнинг репертуари бир-бирдан фарқ қилиши шартми?

- Албатта! Бу жуда муҳим. Саҳна муқаддас! Тўйхонага сизни деб келишмайди. Хурсандчилик, маишат, ўйин-кулгу учун келишади. Тўйни саҳнага аралаштириб бўлмайди.

- Ёшларни танқид қиласиз... Танқидли вазиятларнинг юзага келишида катта авлод вакилларининг ҳам "хизмати" борлигини тан оласизми?

- Ёшлар ғарбга тақлид қилишади. Голливуднинг ҳамма фильмлари ҳам яхши эмас. Россиянинг фильмларида ур-йиқит, урган-сўйган кўп. Мана шу ҳолатлар бизга ўзининг таъсирини ўтказаяпти. Бугун одамлар ўлимдан сесканмайди. Авваллари биз қондан кўрқар эдик. Афсуски, бугун...

- Обид ака мен саволимга жавоб ололмадим?

- Тўғри, бу ўринда тарбия масалалари ҳаммаша бирламчи. Менинг фарзандларим ҳам китобнинг ўрнига кино кўришади. Мен болалигимда, ёшлигимда китобдан бошимни кўтармасдим. Улар эса "Дом 2" кўришади. Афсуски, уларга баъзида мажбурлаб ҳам китоб ўқита олмаيمان. Тўғри, катталарнинг ҳам айби бор. Лекин тўхтатиб бўлмаяпти. Эртага бу интервьюдан сўнг мендан хафа бўлишлари аниқ. Дуч келган тирранча пулини тўлаб концерт бераяпти... буларнинг ҳаммаси одоб, уят ва виждонга тааллуқли бўлган ҳолатлар.



## Мирзабек Холмедов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Собит акам сабабли Обиджон билан танишганман. Ташриф қоғозлар ҳали урфга кирмаган кезлар. Собит акам "ўкам рассом", деганидан кейин расмимни кўтариб Обиджоннинг олдига борганман. Расмимни кичкина қоғозга чизиб тагига телефон рақамимни ёзиб, беринг деб айтганман. Ана шу кундан қадрдонлик бошланиб кетган. Обиджон катта санъаткор эди. Биз у билан жуда кўп кунларни бошимиздан ўтказдик. Ижодкор йигит эди. Ўзбекистон қизиқчиларини йиғиб, Обиджон концертлар қилди. "Австрияни чегарасидан ўтиб кетаётсам, "Обид ака", деб чақиринди. Қарасам, ўзимизнинг ўзбеклар, уста йигитлар экан", дегани эсимда. Ҳақиқатдан Обид машҳур эди. Чимкентда фестивалга бордик, Петросян келди. Бориб "Мен тошкентдан Мирзаман", десам Петросян "Мен сизни танийман, концертларингизни кўрганман. Шўкруллони ҳам биламан", деган. Қаранг, Обиджон ҳаммамиз ҳақимизда айтган, у шундай бағрикенг одам эди.



## Ботир Муҳаммадхўжаев, актёр

Мен учун Обид ўлмагандек... Қисқа умрида катта ишлар қилди. Москвада Обидни доим мухлислар ўраб оларди, расмга тушарди, дастхат оларди. Россияда "Юлдузлар шаҳарчаси" бор, у ерга ҳамма ҳам киравермайди. Микроавтобусда ўша шаҳарчага кетаётган Петросян "Бай, сени бу шаҳарчада ҳеч ким танимайди, кўрасан, олдинга ҳеч ким келмайди", дебди. Обид "кўрамиз", дебди. Шаҳарчага бориб турса қаердан кир кабобининг ҳиди келибди. Санъат саройини орқасига ўтса, иккита ўзбек кабоб пишираётган экан. Улар Обидни кўриши билан "Обид ака", деб югуриб келибди. Петросян ўшанда қойил қолган экан. Ҳиндистонга бирга бордик, ишонасизми ўша ерда ҳам Обидни танийдиганлар бор экан. Ҳатто бир дўконда худди Обид Асомовга ўхшаган бир одам ҳам бор экан. Обид ўша қиёфадоши билан жуда куюқ сўрашар эди... Саҳнага чиқсак завқ олар эдик. Ҳозир Обидсиз саҳнага оёғим тортмайди... Дўстимнинг охирати обод бўлсин.



## Ўткир Муҳаммадхўжаев, актёр

Мен суянган акамни йўқотдим. Ҳали-ҳануз мен Обид акамга эҳтиёж сезаман. Узоқ йиллар саҳнадан, экранлардан узоқда юрди. Мажбур бўлди. Бу вазиятларнинг ҳаммасини Обид Асомов юрагидан ўтказди. Кулиб енгарди ҳаммасини...

Обид акамни ўзим касалхонага олиб бордим, жуда оғир аҳволда... лекин тузалиши, яшаб кетишлари учун умид бор эди. Лекин касалхонадалигидаёқ "оламдан ўтди" деган совуқ хабарлар тарқалди. Мен блогерлардан илтимос қилдим, тирик одам ҳақида ундай ёзманг, дедим... лекин ёзишди... шов-шув учун, рейтинг учун... Касалхонадан Обид акам келинонимга телефон қилиб: "эртага уйга чиқаман, кўпчилик реанимацияга келолмади, ош қилинг, меҳмон кўп келади", деди. Мен бу гапларга ишондим. Хайрлашиб чиқдик, ҳали манзилимга етиб келмасимдан телефоним жиринглади: "Обид ака оламдан ўтиб қолди"... Қолганини эслолмайман... кутилмаган кўнғроқ эди.

Долзарб мавзу

# ЎДДАБЎРОН КИБЕРФИРИБГАРЛАР

## ЗАРАРЛИ ҲАВОЛАЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

### Ҳурматли фуқаролар, интернетда кун сайин кўпайиб бораётган “фейк”, яъни ёлғон хабарларга алданиб қолманг!

Сўнги пайтларда текин совғалар бериш, осон ёки фоизсиз кредит олиш, давлат томонидан пул маблағлари ажратилаётгани ҳақидаги “фейк” хабарларни тарқатиш телеграм мессенжерда тўлиб - тошиб кетди. Кибероламда бунақа хабарлар аслида, мавсумий тарқатилади.

“Scamer”лар яъни интернетдаги фирибгарлар ҳар бир давлатнинг миллий байрамлари ёки шунга ўхшаш тадбирлардан усталлик билан фойдаланади. Мустақиллик, Ҳайит байрамлари ёки аҳолининг эҳтиёжманд қисмини қўллаб-қувватлаш мақсадида чиқарилаётган қарорлар, шунингдек, таниқли бренд номлари, улар учун жуда қўл келади. Масалан, “Энди 650 000 сўм миқдоридан тўловни олиш имконияти мавжуд агар оилада болалар бўлса, бу ерда ҳавола!”, “5 дақиқа ичида 0 фоиз 50 миллион сўмгача кредит, 36 ой муддатга” ёки “Корзинка филиалининг очилиш маросими. Совға тарқатилмоқда, илтимос, совғани ўз вақтида олинг” – мазмундаги хабарларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти кўринишидан, таниқли банк номидан ва машҳур супермаркетлар тармоғидан фойдаланиб тарқатади.

Фуқароларни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган бундай хилма-хил хабарларни кўриб, ўқиган одам хурсанд бўлиб кетади. Айниқса, давлат ва таниқли брендлар номидан дейилганда ишонч янада ортади. Айни жараёнда биз билишимиз керак бўлган энг муҳим маълумот, ижтимоий тармоқлар орқали ҳеч бир компания ёки ташкилот ҳеч кимга шунчаки, ҳеч қандай миқдордаги молиявий ҳада улашмайди. Демак, бундай турдаги барча хабарлар “фейк”, яъни ёлғон. Аслида, бу каби ҳар қандай хабар ортида фуқароларнинг пул маблағларини ўзлаштириш ётади. “Scamer”лар одамларни ишонтириш учун минг бир синовдан ўтиб кета оладиган усулларни қўллайди. Эътибор берилса, бундай хабарларнинг барчасида маблағни олиш учун тавсия қилинган ҳаволага ўтиш ва шахсий маълумотларни тақдим этиш сўралади. Демак, айнан ана шу сўровнинг ўзиданоқ, хабарни ўқиётган ҳар бир киши шубҳаланиб, бунинг “фейк” эканлигини билиб олиши керак. Бундай ўйинлар тузоғига тушмаслик учун эса асосий ва энг тўғри йўл уларга ишонмаслик. Эътиборсиз, содда ёки совғаларга қизиқиши юқори фойдаланувчилар шөшилдиб ҳаволага ўтиб кўяқолади. Оқибатда, фуқаролар банк карталаридаги пулларини фирибгарлар ўзлаштиришига ўзлари сабабчи бўлиб қолади.

АҚШнинг Киберхужумларга қарши курашишда етакчи ўринларни эгаллаган “Cofense” компанияси тақдим этган маълумотга кўра, 2022 йилда телеграм мессенжерда “Фишинг”лар сони 800 фоизга ошган. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Киберхавфсизлик маркази олиб борган таҳлиллар ҳам, бугунги кунда мамлакатимизда кибержиноятчиликнинг ўсиш тенденцияси кузатилаётганидан далолат бермоқда. Ху-

сусан, сўнги уч йил давомида кибержиноят сифатида айтилаётган ҳолатлар 8 баробарга, яъни 600 тадан 5000 тагача ортган.

Фирибгарлар, “momnt”, яъни жабрланувчидан ўғирланган пулларни дастлаб, киви кошелёк(хамён)га, ундан сўнг криптовалюта ва яна бошқа-бошқа айланма ҳисоб рақамларига ўтказиб юборади. Бу бўлса, транзакцияларнинг анонимлигини таъминлаб беради. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган бундай жиноятларни аниқлаш ва фош этиш учун мутахассисдан алоҳида кўникма талаб этилади. Шундай бўлсада, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда мазкур турдаги жиноятларнинг 80 фоизи очирилишига эришилган. Киберхавфсизлик маркази ходимлари томонидан интернет мониторинги ўтказиб борилади. Унда айрим банк, мобиль компания ва бошқа турли ташкилот ҳамда брендлар, шунингдек, машҳур инсонларнинг номидан очилган сохта ҳавола, гуруҳ, канал ва ботлари аниқланиб, улар тегишли тартибда блокланади. Аммо “Scamer”лар яъни фирибгарлар ҳам яна янги бот ва янги каналлар очиб, ишини давом эттираверади.

Ҳатто шундай ботлар борки, улар орқали киберфирибгарлар сизнинг телефон қурилмангиз бошқарувини тўлиқ қўлга олиши мумкин. Айнан шундай. Ундаги дастур биргина тасдиқлаш тугмасини босиб оқибатида телефон қурилмангиздаги барча маълумотларнинг фирибгар ихтиёрига ўтишини таъминлайди.

Аслида, бундай фирибгарликлардан ҳимояланиш унчалик ҳам қийин эмас. Бунинг энг осон ва қулай йўллари бор, албатта. Мутахассислар бу ўринда дастурни юклашдан олдин, аввало унинг манбаасини текшириб кўришни маслаҳат бермоқда. Улар айтишича, олдин юборилган ҳаволаларда кейинги босқичга ўтиш ёки ўтмасликни йўлаб кўришингиз мумкин бўлгани каби баъзи енгилликлар бор эди. Энди эса фирибгарлар унга имконият қолдиришмаяпти. Демак, энди янаям зийрак ва эҳтиёткор бўлишимиз керак.

Айни жараёнда ҳушёр бўлиб, бу борада керакли маълумотга эга бўлсангиз, кибероламда тарқалаётган бундай ботлардан ҳимоялана олишингиз мумкин. Аммо фойдаланувчилар орасида қизиқувчанлиги, ишонувчанлиги туфайли ёки билиб-билмай бундай хавфли ҳаволаларга аъзо бўлиб қолаётганлар ҳам бор. Фирибгарлар, уларнинг шахсга доир маълумотларини қўлга киритади. Бу орқали улар номидан ўзларининг гаразли мақсадларини амалга оширади. Фуқароларга турли хилдаги киберхужумлар уюштириб, уларга моддий ва маънавий зарар етказилади. Банк карта рақам-

ларини билиб, уларнинг маблағларига эга чиқади. Таниш-билишларига турли хилдаги ёзишмаларни жўнатади. Турли гуруҳларга қўша олади. Сизнинг номингиздан кредитлар олиш имкониятини қўлга киритади.

Мутахассислар фикрига кўра, бунга асосан, интернет фойдаланувчиларининг хавфсизлик қоидаларини яхши билмаслиги сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бу борадаги тарғибот тадбирлари кучайтирилмоқда. ИИБ Киберхавфсизлик маркази ходимлари Маҳалла, ташкилот, таълим муассасалари ҳатто, уйма-уй юриб, аҳолига киберхужумлардан сақланиш йўл-йўриқларини ўргатапти. Энг оддий усул ҳар қандай ҳаволаларга текширмасдан кириш, шахсий маълумотларни бегоналарга бермаслик эканлигини қайта-қайта айтмоқда.

Фуқароларнинг кибероламда фирибгарлар тузоғига тушиб, алданиб қолиши ва ушбу жараёндаги кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида Марказ томонидан @cyber\_uz\_bot яратилди. Бу ерда фуқаролар мутахассисларнинг кибержиноятларнинг турлари, киберфирибгарлар қўллаётган усуллар ва интернетдан фойдаланишдаги оддий хавфсизлик талаблари ҳақидаги билим ва тавсияларини ўрганиш мумкин. V. Cyber.uz. электрон манзилли Кибер ёрдамчи платформаси эса, аҳолини кибер таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқилди. Ушбу платформа жисмоний шахслар учун мўлжалланган бўлиб, у ҳар бир фойдаланувчига индивидуал хизмат кўрсатади. Бу эса, фуқаронинг кибер гигиенасининг шаклланишини таъминлайди. Кибер ёрдамчи платформасида рўйхатдан ўтиш учун фойдаланувчидан шахсий маълумотларни тақдим этиш талаб этилади. Шу ўринда фуқароларни шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш масаласи ўйлантириши мумкин. Аммо хавотирга ўрин йўқ. Платформада шахсий маълумотлар сир сақланади. Платформа кибермақондаги ҳар қандай кибертаҳдидлардан ҳимояланиш учун қулай восита. Демак, Кибер ёрдамчи платформасида рўйхатдан ўтинг ва ҳимояланинг. ИИБ оғохлантиради, ҳурматли фуқаролар, ижтимоий тармоқлардан фойдаланганингизда ва телефон рақамингизга келаётган турли кўринишдаги хабарларни кўрганингизда жавоб беришга шөшилманг. Аввал унинг хавфли ёки хавфсизлигини текширишдан эринманг. Бу борада ўзингизнинг маънавий ва иқтисодий ҳимоянгиз ўз қўлингизда. Унутманг, киберфирибгарлар биз ўйлагандан анча уддабурон...

Саҳифани журналист  
МАКСУДА ШИРИНБОВА ИИБ  
Киберхавфсизлик маркази  
масъул ходимлари билан  
ҳамкорликда тайёрлади.





**Биз оддий сигаретларнинг зарари ҳақида кўп эшитганмиз. Ҳатто никотиннинг бир грамма отни ўлдириши ҳам бор гап. Афсуски, бугун ёшларимизни ўзига қарам қилиб олаётган ажал жодусининг кундан-кунга янги турлари пайдо бўлаяпти. Бир сўз билан айтганда, одамзод ўзини – ўзи фожиага етаклашда давом этапти.**

Замоннинг зайлини қаранг... олифталар кўпайиб кетди. Кўлида энергетик ичимликлар, сўнги русумдаги телефонлар, қулоғида қулоқчин, оёқларда калта, рангли пайпоқлар... қўлларда эса электрон сигаретлар...

Кўпчилик дид билан химояланган сигаретнинг шаклини кўриб бир қарашда тамаки эканлигини билмайди. Ҳар ҳолда ундан тутун буруқсиб чиқмайди, ёқимсиз ҳиди кўзингизни ачитмайди. Бу эса “зарарсиз” деган хулосага “асос” бўлиши турган гап.

Пул ўлсин, ишлаб чиқарувчиларнинг таъкидлашича, электрон сигаретлар инсон соғлиги учун мутлақо зарарсиз эмиш. Чунки ундаги моддалар кислородга тўйинган тоза маҳсулотлардан тайёрланади. Энг асосийси, унинг таркибига никотин моддаси кўшилмайди.

Ҳақиқатан ҳам шундайми? Никотинсиз тамакини тасаввур қилиш мумкин...ми?

Аммо олимлар ишлаб чиқарувчиларнинг иддаоларини 100 фоиз инкор этади. Электрон сигаретнинг асосий компоненти – бу никотин моддаси. Бу тез таъсир қилувчи дори! Унга қарамлик жуда тез содир бўлади. Одатланиш жараёнини тезлаштириш учун спазм ҳамда титрашни, йўтални камайтириш учун маҳсулот таркибига аммиак ва шунга яқин бошқа моддалар қўшилади.

Электрон сигаретлардаги суюқликда инсон соғлиги учун хавфли бўлган 4 мингдан ортиқ кимёвий моддалар мавжуд. Бу орқали инсон ўпка саратони, юрак хуружи, жигар ва буйрак касалликлари, тиш саломатлиги каби қатор касалликларни орттириши аниқ. Электрон сигарет таркибига хавфли кимёвий моддалар мавжуд бўлиб, ҳатто никотинсиз ҳам гиёҳвандликка олиб келади. “Попкорн” хасталиги, яъни ўпкадаги чандиқлар ҳам айнан шу балодан пайдо бўлади.

Тадқиқотлар натижасига кўра, тамаки инсон ҳаётини тахминан 14 йилга қисқартириши мумкин экан. Агар электрон сигаретни танлаган бўлсангиз, ҳаётингиз янада тез емирилар экан.



Рихситилла Исмаилов

шифокор:

– Электрон сигарет истеъмол қилишни бошлаган инсоннинг танаси, қўллари ва лабларида сарғайиш пайдо бўлади. Бу касалликнинг бошланиши. Бундан ташқари, электрон сигаретлар бугунги кунда дунёда глобал муаммолардан

бири бўлган бепуштлиқ хасталигига ҳам олиб келади. Асосан мактаб ёшидаги болалар аввалига буни оддий ҳавас сифатида чекишади. Аста-секинлик билан инсон унга қарам бўлиб қолганини ўзи ҳам билмай қолади. Натижада ўсиб келаётган ёш организмга, хусусан юрак-қон, асаб тизимига жуда кучли салбий таъсир қилади. Афсуски, ҳозирги кунда нафақат ўғил болалар, балки қизлар орасида ҳам электрон сигаретлар оммалашиб бормоқда. Бу эса эртага ногирон, нуқсонли болаларнинг дунёга келишига замин яратади. Электрон сигаретлардан воз кечиш учун, энг аввало, инсонда кучли ирода бўлиши керак. Ташлагандан сўнг, у чекувчи инсонлардан йироқ юриши лозим бўлади. Сабаби, чекаётган одамни кўрганида уни яна хумор тутта бошлайди.

**Уйғун Темиров:**

– Мен чекишни сиқилишдан эмас, шунчаки, қизиқиб бошлаганман. Аввалига, оддий тамаки чекардим. Электрон сигаретга ўтганимга бир неча йил бўлди. Тўғриси, ўзим ҳозир чекишни истамайман. Аммо, чекмасам тура олмайман. Сигарет чекканингизда бошингизни қисиб турган томирлар кенгайди ва барча нарсани унутасиз. Буни бир сўз билан таърифлаш қийин. Сал нарсанга асабийлашсам чекаман. Чекмасам тура олмайман. Бу менинг тўқликка шўхлигим. Афсус, бу балодан қутула олмаяпман.

Ҳаёт гўзал! Яшаш завқли! Орзулар кўп... аммо биргина “ҳавас” сизнинг умрингизнинг заволига айланиши фожа! Олифталик, манманлик, тўқликка шўхлик, бор йўғи бир марта “таътиб кўриш истаги”дан тийилинг! Умр ўлчовли ва унинг ҳар бир они ҳисоб-китоби билан!

**Бойсафар Холмирзаев**  
тайёрлади



## ҚОНУН ВА БИЗ

Ҳуқуқ



**Мамлакатимизда ҳар бир соҳани тубдан ривожлантириш, янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида кундан-кунга истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.**

Хусусан, Конституциямизнинг айрим моддаларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар, Меҳнат кодексининг таҳрирланиши, Жиноят-процессуал кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги тузатишларнинг лойиҳалари ишлаб чиқиши, уларни кенг омма муҳокамасига қўйилиши мамлакатимизда инсон қадрининг нақадар юксак даражага чиққанлигини кўрсатади.

Дарҳақиқат, Адлия вазирлиги томонидан Жиноят-процессуал кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тузатишларнинг тегишли лойиҳаси ишлаб чиқилди. Амалдаги қонунчиликда жиноят қуроллари, кимга тегишлилигидан қатъи назар, мусодара қилиниши керак ва тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади. Бунинг оқиба-тида эса жиноий фаолиятга дахли йўқ бўлган мулкдорларнинг мол-мулки мусодара қилинишига олиб келиши мумкин. Бу, ўз навбатида, “Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга зиддир.

Ушбу масалани ҳисобга олган ҳолда ЖПК 211-моддасидаги баъзи жиҳатларни аниқлаштириш таклиф этилмоқда. Улар:

- гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ёки маҳкумга тегишли жиноят қуроллари мусодара қилиниши, тегишли муассасаларга берилиши ёки йўқ қилиниши керак;
- юқорида кўрсатилган субъектларга тегишли бўлмаган мол-мулк қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқ ворисларига, шунингдек меросхўрларига қайтарилади;
- қонуний эгалари, мулкдорлари, уларнинг ҳуқуқ ворислари ёки меросхўрларини аниқлашнинг имкони бўлмаса, мол-мулк давлат даромадига ўтказилади.

Бундан ташқари, МЖТК 27-моддасида ҳуқуқбузарнинг мулқи ҳисобланмайдиган предметлар мусодара қилинмаслиги, бундан муомаладан олиб қўйилган ашёлар мустасно эканлигини аниқлаштириш таклиф қилинмоқда.

Лойиҳа билдирилган таклиф ва мулоҳазаларга кўра ўзгартирилиши, тўлдирилиши ёки рад этилиши мумкин.



## “Чемпион”


Болалар учун мўлжалланган фильмлар ҳамиша долзарб. Чунки томошабиннинг маънавияти, маданияти айна болалиқдан шаклланади. “Болажон” телеканали буюртмасига биноан Ўзбектелефильм” ДМ томонидан саргузашт-комедия жанрида суратга олинган “Чемпион” фильми ҳам айнан ёш томошабинларга мўлжалланган. Картина қаҳрамонлари спортнинг шахмат тури орқали муваффақиятларга эришган. Ижодкорлар болажонларга ўз мақсадига эришиш йўлида ғайратли, шижоатли бўлиш, синов ва машаққатлардан чўчимаслик каби ғояларни тақдим этади.

“Чемпион” фильмининг режиссёри Фарҳод Худойбердиев. Сценарий муаллифи Баҳриддин Қўшмонов. Фильм учун муסיқаларни бастакор Фаррух Ҳамидов ёзган. Картинада ёш истеъдодлар билан бирга Муҳаммад-соли Юсупов, Ҳусан Мусабоев, Маъруф Отажонов, Абдухалиқ Мамарасулов каби устоз санъаткорлар турли образларда намоён бўлган.

Фарҳод Худойбердиев — фильм режиссёри:

Сўнги пайтларда ёш спортчиларимиз бугун юртимиз байроғини дунё ареналарида баланд кўтармоқда. Айниқса, шахматчи йигитларнинг муваффақиятлари олқишларга арзийди. Мен фильمنى суратга олиш жараёнида ғалабага эришган ҳар бир спортчини алоҳида ҳикояси борлигини кўрдим. “Чемпион” — болалар учун олган учинчи фильмим. Назаримда, бизнинг экранларимизда айнан ёш томошабинлар учун мўлжалланган картиналарга етарлича эҳтиёж бор.

Мутолаа



**Абдулла Қаҳҳор**  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

## АЙБ КИМДА?

(Хикоя)

нима учун томда туриб, аянгга... уму-ман, томларда юрар эмишсан, ер кўтармайдими? Мактабда сенга шуни таълим берадимиз? Қани дафтарларинг? Ҳамдам аясига қаради. — Қачон мен томда юрибман? — Йўқ, томни қўй, менга дафтарларингни кўрсат! Бу йил ўқиш бошлангандан бери нечта «аъло» баҳо олдинг? — Битта ҳам... ёмон баҳо олганим йўқ. Мана... Ҳамроев дафтарларини варақлай бошлади. — Хўп, ҳозир кўрамиз... «яхши»... «ўрта»... «ўрта»... Қани «аъло»? Русчадан нима учун «яхши»? — Аъло ўқисам ҳам ўқитувчимиз «яхши» қўяди, «аъло»дан «яхши» яхши дейди. — Ҳа-ҳа! Ҳали сиз ёлгон гапиришни ҳам биласизми?! Қани, берироқ кел, кўзимга қара! «Яхши» яхши дейдими? Ҳамдам ёлгон гапиришининг бундай оқибатини умрида биринчи кўриши эди, йиғлаб юборди. — Менга қара дейман! Ким ўргатди сенга ёлгон гапиришни? Қайси домланг? Собирахон аралашди: — Қўйинг энди, минбаъд ёлгон гапирмайди. Вой, тавба, русчадан нега «яхши», балодай гапиради шекилли-ку! Ҳамроев Ҳамдамининг қулоғидан чўзиб, ўзига қаратди. — Тагин ёлгон гапирасанми? Бундан кейин ёлгон гапирадиган бўлсанг, билиб қўй, мен оинингга ўхшаб оғримайдиган қилиб урмайман-а!.. Шу ёлгон гапингдан кейин русчадан «яхши» олганингга ҳам ишонмайман. Қани, хўш, масалан, чойнакнинг қопқоғини русчада нима дейди? Самоварнинг жўмрагини нима дейди? Ҳамдам икковини ҳам билмади ва йиғлаганича нарига ўйга кириб кетди. Ҳамроев қўйин дафтарини олиб нималарнидир ўчирди, яна нималарнидир ёзди. — Йўқ, — деди дафтарини чўнтагига солиб, — бу ишга жиддий қараш керак. Шундай бўлгандан кейин мажлисга жиддий тайёргарлик кўриб борилмасе бўлмайди. Тарбияга доир китоб кўп. — Соат саккиз бўлди, — деди Собирахон. Ҳамроев ўйланиб қолди: борса, албатта гапириши керак, гапирмайдиган бўлса боришининг кераги йўқ. Сўзга чиққанда гапни нимадан бошлайди, нима тўғрида гапиради ва қандай хулоса чиқаради. — Йўқ, бу хилда боришдан фойда йўқ, Турондот, — деди, — бу сафарча сиз боринг. Мен янаги сафар жиддий тайёргарлик кўриб бораман. — Қўйсангиз-чи! Умримда бормаган жойимга қанақа қилиб бораман. Менинг боришимдан нима фойда? — Фойда бўлмасе зиён ҳам йўқ-ку! Эр-хотин фойда-зиён тўғрисида тортишиб соатни саккиз ярим қилишди. Ҳамдам чикди. — Нима қилиб ўтирибсизлар? Директор жуда тайинлаган эди, хатни топширмагандирсан деб эртага мени уришади. — Ойинг бормайди, боришидан фойда ҳам йўқ, мен янаги сафар бораман. — Мудир сўрасе шунақа дейманми? — Нега? Капкатта бўлиб шунга ҳам важ тополмайсанми? Дадам ишдан кеч келди, ойм бектеб ётибди дегин! Ҳамдам дадасига қараганича узоқ туриб қолди. У, эртага худди шундай дейди.



## ...ЯМ... ЯМ

(Ҳажвия)

Телефон жиринглайди. Гўшакдан онаси фақат идора котибалигига атаб туғиб, пўпалаб катта қилгани шундоққина кўриниб турган, тантиқ-танноз хонимчанинг овози янгради: — Ал-у! Дангил Дурманийми, сиз? (Ўзбекчалаштирилса, “Донғил Дўрмоний сиз бўласизми?” дегани) — Худди шундай. — Фонддан званит қивоммиза. Хуш хабар бор, сизга. — Шундайми? — Обществeнный билим-таълим учрежденияларнинг талантливий студентлари ўртасида “Тилда – миллат қалби” деган байрам-конкурс ўтқизвоммиза. — Хўш-хўш? — Ана шу мероприятемизда член жюрига тасдиқландигиз. — Раҳмат, ишончингиз учун. Идорангиз раҳбариятига ҳам ташакуримни этказинг. Малол келмасе, олийжаноб жамғармангиз номини айтсангиз? — Фондимиз номини пака разглашат қиломийвуза. Установленный тартиб шунақа. Как, вақти бўлади, название фондниям, танлов-мероприятияда какие учреждениялардан кимлар иштирок этади, ҳаммасини билиб олассиз. — Хар ҳолда... иссиқ жон... Ҳеч бўлмасе, тахминий муддатини?.. — Определённый кун, соати ҳақида ҳам положениеда белгиланган тартиб бўйича дополнительно маълумот берилади. — Тушунарли. Унда ҳайъат аъзоси сифатида каминанинг мажбурияти нимадан иборат эканлиги ҳақида сўрасам бўладими? — К сожалеңия, бу саволингизиям без ответ қолдиришга мажбурман. — Бу қадар сирлилик сабабини тушунмайроқ турибман?! — Йўқ-йўқ, установленный порядокларимизнинг ҳеч қандай секретнийлиги йўқ. Жюрилик объектностингизни сўраб, вьяснит қилиб олишга ҳақкингиз бор, конечно. — Демак мендан... — Ҳа, сиздан мероприятемизни баланд саъвияда, объективно и максимально прозрачно ўтказишда активлик кўрсатишингиз талаб этилади. — Демокчийдимки, ҳайъат аъзоси сифатида танлов низоме ва талаблари билан танишиб... — Бизни правилно поймите, домлажон. Барча организационный ишлар положенияда четко и ясно ёзиб қўйилган. У ерда и сизния, и бизния страховат қиладиган пунктлари бор. В том числе, сиз сўраётган вопрос бўйича ҳам... — Яъни? — Ну, яъни... конкурс-мероприятиямизда боле сто студентов ўз творческий ишлари билан участвоват қилади. — Хўп. — Каждый талабанинг орқасида ус-този, в том числе отаси ё онаси, эхтимол икки-учта болеллиги бўлиши мумкин. Буни биласиз... — Тўғри, биламан. — Қарабсизки, сотни ҳайбаракаллачи. — Бу табиий ҳол. Бунинг нимасе ёмон? — Шулардан хот кто нибуд биронтаси сизни йўлдан урмайди, деб ким гарантия беради?! — Қизиқ гап бўлдику! Ҳамонки, мени виждонли одам сифатида ҳакамликка муносиб топиб, ишонч билдирган экансизлар... — Фу, домлажон! Фонд низомеда жюри аъзосининг виждони учун фонджавобгар, деган жойи йўқ! Раз, положениеда белгилаб қўйилмаган экан, демак ҳеч кимга ишонч ҳам, гаран-тия ҳам йўқ! — Аёлнинг бундай андишасизлиги боз устига, аллақандай бузуқ-бўтқа лаҳжада чулдираши Донғил Дўрмонийнинг сабр косасини тўлдирди. — Ана халос! — деди у ранжини яширмай. — Ўзларинг танлаб, тасдиқлаган ҳайъат аъзосига ишонч билдирмайдиган ўша “положение” каминанинг ҳайъатдаги хизматларини қайси мезонлар асосида баҳолайди? Ҳеч бўлмасе шуни айтинг? — Интересний одам экансиз! Руководствомиз сизни высако интеллектуальный личност сифатида фамилиянгишни списокка киритганининг ўзи катта баҳо эмасми? — Маълумотингиз учун шуни арз этайки, муҳтарама хоним! Бозор муносабатлари шароитида ўша сиз айтётган “баҳо”га ноил инсоннинг саломига дўкончилар алик ҳам олмаслиги чаток. — Бу энди, домлажон, сизнинг личный проблемангиз. Бизнинг фондмия на общественных началах иш юрилади. Гражданлар проблемалари билан шуғулланмайди! Бу бизнинг функционалний объектностингизга кирмийди. Вот так! — Тушундим хоним, аммо сиз ҳам менинг жамоатчилик асосидаги шахс эмаслигимни тушунишингизни истардим. Бу курсок қургур жамоатчилик асосида тўймаслигини, тўйдириш ниятим ҳам йўқлигини эътиборга олишларингиз керак, назаримда. Ҳай, майли. Келинг, сиз айтганча ҳам бўлсин. Мақсадингизни тушунган бўлсам, ўша юздан ортиқ истеъдодли талабанинг ижодий ишларини ўқиб, таҳлил қилиб, муносибларини аниқлашда иштирок этишим лозим, шундайми? — Вот, шу гап, домлажон! — Унда танлов иштирокчиларининг ижодий ишлари каминага қачон тақдим этилади?! — Конечно, хотиржам бўлинг, домлажон. Только, бу ерда ҳам ест определенний порядок. Папкалар жюрига победителлар объектно қилинишидан икки-уч соат олдин албатта тақдим этилади. — Шунақа денг! — Конечно, домлажон! — Асарлар билан танишиб, хулосалар чиқаришимиз учун шугина вақт етарли бўлади, деб хисоблайсизми?! — Я вам қайта-қайта говорю, домлажон. Бу мероприятие просто конкурс-праздник домлажон! Ее не надо усложнят. Но, биз уни хар хижатдан спроведливо, объективно прозрачно ўтказиш учун шундай қилишимиз шарт. Қоидага амал қилмасак, знаете, нима бўлади?.. — Биламан, нима бўлади! Дард бўлади! Чипқон бўлади!.. — Ҳа, албатта, домлажон... Вой, нима дедингиз?! Интересний человек! Бунақа писателлар билан ишлаш... воопше сложно! Жинни бўпқоласан! По-нимаеш!..

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ

TOSHKENT OQSHOMI

МУАССИС:  
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИМанзилимиз:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32Бош муҳаррир  
Севдо НИЁЗОВАТелефонлар:  
Қабулхона (71) 233-61-10  
Реклама (71) 233-28-95“NISO POLIGRAF” МЧЖ босмаҳонаси.  
Манзил: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани,  
“Машъал” маҳалласи, Марказий кўчаси, 1-уй2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
02-001 рақами билан рўйхатга олинганҲажми — 2 босма  
табоқ, офсет усулида  
босилди. Адади 500  
нуска қоғоз бичими А3Нашр учун масъул  
Ш.ЗУФАРОВАГазета таҳририят компьютер  
марказида саҳифаландиТопшириш вақти 00:55  
Топширилди 05:00